



Маҳалла

ШАНБА

2014 йил 29 март,
№28 (995)

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Малака ва маҳорат уйғунлиги бирдек зарур

Аввал хабар берганимиздек, айни кунларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ходимларининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий билимларини янада мустаҳкамлаш, бошқарув маҳорати, малакасини ошириш бўйича ўқув-семинарлари давом этмоқда.

Икки кунлик ўқувларда тингловчиларга «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда ҳудудий тузилмалар ходимларининг масъулиятини кучайтириш, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг янги таҳрирдаги Устави

ҳамда фондининг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари тўғрисидаги низомда белгиланган тартиб-қоидалар, соҳага оид янги қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фуқаролар мурожаати, комиссиялар фаолияти бўйича атрофлича тушунчалар берилди.



ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ

Файзиёб кунлар шукронаси

Халқимиз юрт тинчлигини тараққиёт гарови, ўз орзу-интилишлари, эзгу ниятлари рўёбининг муҳим кафолати деб билади. Меҳр-оқибат, аҳиллик, ўзаро ҳурмат-иззат каби олижаноб фазилатлар бор бўй-басти билан намоеъ бўлаётган бугунги Наврўз тантаналарида тинчлик-осойишталикнинг қадри ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда.

Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»

Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида: «Наврўзи олам ўлкамизга қадим кўйиши билан ҳар биримиз ён-атрофимиздаги мовжудотнинг уйғониши, куртаклар ва гул-чечаклар очилиши, еру қўк бағрида юз бераётган ўзгаришлардан, баҳор нафасидан баҳраманд бўламиз, она табиатимизнинг узвий ва ажралмас бир қисми эканимизни беихтиёр чуқур ҳис қиламиз. Айни шу паллада худдики таби-

ат олами билан уйғун ва муштарак бўлиб, бу осуда ҳаётни ҳар бир кунининг қадрига етиб, шукроналик ҳиссиёти билан яшаш кераклигини яна ва яна бир бор англаймиз, дея таъкидлайди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда қўлга киритилаётган барча ютуқлар замирида, аввало, тинчлик муносабати билан уюштирилаётган турли тadbирларда ёшлар иштирокида кенг тартиб этилаётди. Зотан, юртимизнинг энг буюк бойлиги бўлган тинчликни мустаҳкамлаш, уни доимо асраш ҳар биримизнинг наинки фуқаролик, балки фарзандлик бурчимиздир.

> [4]

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ



Қувноқ ва шод янграйди бахтли болалар кулгуси

Соғлом ва билимли авлод мамлакат бойлиги, миллат равнақини таъминлайдиган мустаҳкам пойдевордир. Шу боис уларнинг келажаги йўлда алоҳида ва доимий ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Жорий йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилингани туфайли бу борадаги вазифалар кўлами янада кенгайди, масъулияти ошди.

Зебинисо ҲАЙИТОВА «Mahalla»

Пойтахтимизнинг Олмасор туманидаги «Хислат» маҳалласи ҳудудида жойлашган «Бахтиёр макон»

мактабгача таълим муассасасида маърифий-тарбиявий ишлар сифатини ошириш, жараёнига замонавий педагогик технологияларни кенг жорий этиш борасида самарали натижаларга эришилмоқда.

418 нафар болажон камол топаётган мазкур муассасада таълим стандар-

ти талабларига биноан тарбия жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена, ижтимоий-ҳиссий лаёқатни шакллантириш, нутқни ўстириш, ўқишга тайёргарлик ҳамда атроф-муҳит тўғрисидаги билимларга эга бўлиш каби йўналишларга қаратилган. Қолаверса, ушбу йўналишлар асосида ишлаб чиқилган «Боложон» таянч дастури орқали амалга оширилаётган ишлар кичиктойларнинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан барқарор ривожланишига кўмак бермоқда.

> [2]

БУГУННИНГ ГАПИ

«Ўргимчак тўр» хатари



Ҳозирги глобаллашув даврида ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун мислсиз кураш бормоқда. Ҳаётнинг турли жабҳаларида намоеъ бўлаётган бундай хуружлар, айниқса, ахборот соҳасида ўзининг авж нуқтасига чиққандек.

Юлдуз ҲОЖИЕВА «Mahalla»

Айни пайтда ушбу соҳа қириб бормоған бирор-бир ҳудуд ёки манзилни топиш мушкул. Бошқача айтганда, қердаки энергия манбаи бўлса, ўша жойда ахборот алмашинуви юз бераётди, кишилар янгиликлардан бир зумда бохабар бўлишмоқда.

Аммо танганинڭ иккинчи томонини ҳам унутмаслик лозим. Негаки, ҳар қандай ахборотни фойдали ва ҳолис дея олмаймиз. Таъбир жоиз бўлса, уларнинг кераклисидан кераксиз, фойдалисидан хавфлилари кўпроқдир. Аксарият ёшларимиз ижтимоий тармоқларга улашни кундалик одатга айлантирган бир пайтда ушбу жараёнлар кишини мушоҳада-

га чорлайди, сергак тортиради, албатта.

Ҳали дунёқароши, тажрибаси етарли даражада шаклланиб улгурмаган ёшларнинг ушбу уйдирмаларни, «усту ялтироқ, ичи қалтироқ» чорловларни реал воқеалик сифатида қабул қилмаслигига, уларга кўр-кўрона эргашмаслигига ким кафолат беради? Ахир, «оммавий маданият» никоби остидаги унсурлар келажак авлодни ғаразли йўللарга етаклаб, айрим гуруҳларнинг манфаатига хизмат қилаётгани кундай аён-ку?! Ачинарлики, миллий қадриятларимизга соя солиб, соғлом турмуш тарзидан, теран фикрлашдан қалитишга уриноётган бундай иллатлар инсон маънавиятини кўнрақун қилишга қаратилгани билан хатарлидир.

> [3]



Петре БАЛАС (Руминия):

— Бу йилги ташифим ўзбек халқининг аjoyиб байрами — Наврўз шодиёналарига тўғри келди. Қадим Хиванинڭ Ичонқалъаси байрамона безатилган. Атрофдаги гўзаллик, ораста-лик, покизлик, одамларнинг чехраларидаги табассум, самимият, бир-бирларини дўстона кўтлашлари бизнинг ҳам кайфиятимизни кўтариб юборди.

«Ичонқалъа» маҳалласида уюштирилган аjoyиб удум — сумалак сойли менда унутилмас таассурот қолдирди. Дастурхондаги баҳорий таомлардан татиб, ўзбек халқининг нақадар меҳмондўст, очикқўнглиг эканига гувоҳ бўлдим.

Донна СКОТТ (АҚШ):

— Қўхна Арқдаги капта майдон сахнада байрам томошаларини кўришга бизни ҳам таклиф этишган, бир гуруҳ сафардош дўстларим билан ўзбекона айём қувончларидан баҳраманд бўлдик. Бизда ҳам байрамлар кўп. Аммо ўзбек халқининг бу шодиёнаси менда ва ҳамсафар дўстларимда капта таассурот қолдирди.

Фусункор майдон узра қуёш ҳам гўё қўқдан кўтлаб, заррин нурларини сочиши, баҳорнинг хуш насили, байрам сахнасига жажжи боложонларнинг шўх-шодон кириб келишлари, санъаткорларнинг дилтортар куй-қўшиқларини тинглаб, томоша қилиб, беихтиёр тўлқинландик. Ўзбекистонда, айниқса, Хивада ўтган бу лаҳзаларни умрбод унутмаймиз, юртимизга боргач, элдошларимизга ҳам кўрганларимизни батафсил сўзлаб берамиз.

Вернат СЕЦИЛИЯ (Белгия):

— Юртингизнинг бой мероси, маданияти, тарихий обидаларини кўз қорачиқдек асраб-авайланаётгани, уларга ёндаш замонавий иншоотлар барпо этилаётгани, маҳаллалар қиёфаси, қисқаси, қайноқ ҳаёт ҳавасимизни келтирди. Аҳолининг турмуши обод, фаровон юртга тўйлар, байрамлар ярашади. Сайёҳлар ҳам хўрсандчилик билан кўтиб олинади, уларга самимий муносабатда бўлинади. Буни бутун Ўзбекистон мисолида Хивада кўриб, ҳис қилиб, юртингизга яна келишни ният қилдим.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти минтақавий аксилтеррор тузилмаси кенгашининг йигирма тўртинчи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2014 йил 28 март кун Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йигирма тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғиз Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисида ШХТ МАТТ Кенгашининг ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашига ШХТ МАТТнинг 2013

йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди. ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьфэннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, шунингдек, ШХТ МАТТ Кенгаши қарорларининг амалга оширилиш жараёни тўғрисидаги ахбороти тингланди. ШХТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди.

2014 йилнинг тўртинчи чораги-

да ШХТга аъзо давлатлар ва ШХТга кузатувчи давлатлар ўртасида халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик масаласига бағишланган иккинчи илмий-амалий конференцияни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида ШХТ МАТТ Кенгаши томонидан террористик,

сепаратистик ва экстремистик йўлда фойдаланиладиган интернет ресурсларнинг Ягона реестри тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучларнинг Афғонистон Ислам Республикасидан 2014 йилда қисман чиқарилганидан сўнг ШХТга аъзо давлатларнинг минтақавий хавфсизлигини таъминлаш ва таҳдидларга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тadbirlари келишиб олинди.

ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг интернет тармоғидан террористик, сепар-

тистик ва экстремистик мақсадларда фойдаланишни аниқлаш, олдини олиш ҳамда тўсиб қўйиш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги механизми тўғрисидаги низом тасдиқланди.

ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамкорликда ўтказилган «Шарқ-Аксилтеррор — 2014» аксилтеррор машғулоти яқунларига юқори баҳо берилди.

2014 йилда ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг ҳамкорликда чегара операцияла-

рини ўтказиш тўғрисидаги қарор маъқулланди.

Кенгаш ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий, молиявий ва кадрлар билан таъминлашга доир масалалар юзасидан қатор қарорлар қабул қилди.

ШХТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2014 йил сентябрь ойида Тожикистон Республикасида ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик, амалий мулоқот ва дўстона руҳда

ЎЗА



ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ

Файзиёб кунлар шукронаси



< [1]

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Тарновбоши» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари байрам тадбирида ёшларга юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда муҳтарам Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида сўзлаб бердилар.

Байрам арафасида ҳудудда олиб борилган кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари йиғинга ташриф буюрган кишига ўзгача сурур бағишлади.

— Наврўз хайр-саховат, меҳр-мурувват байрамидир, —

дейди йиғин раиси Абдухалиқ Абдураззоқов. — Ҳудудимизда уюштирилган шодиёналар кўнгилларга қувонч олиб кирди. Негаки, тадбир муносабати билан маҳалладаги 19 та кам таъминланган оилага «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини маси томонидан ажратилган совғалар топширилди. Энг муҳими, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида ҳудуддаги 230-умумтаълим мактаби ўқувчилари 20 нафар меҳнат фахрийларининг хонадонларига ташриф буюриб, уларнинг уй-рўзгор юмушларига кўмаклашди.

Ҳар йили Наврўз арафасида теваарак-атрофни ҳашар йўли билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ўзига хос анъанага айланган. Бу йил ҳам ёш кекса бирдамликда ҳудуддаги Толариқ каналини тозалашди.

Истиқлол туфайли умрларига умр қўшилган нуруний отахонлар дориломон кунларга шукроналар келтириб, тинчликнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраш зарурлиги тўғрисида ёшларга панду насихатлар қилишмоқда.

— Дунёда тинчлик деган улугъ неъматга осонликча эришиб бўлмайди, — дейди ма-

ҳалла фахрийси, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби Кўчқор Эрматов. — Шукрки, юртимиздаги ҳукм сураётган озоишталлик туфайли бугунги тўқинлик, қут-барак ва фаровонликдан барча юртдошларимиз баҳраманд.

Маҳалладаги Ислам Умаров, Тоҳир Шокиров, Собир Қосимов, Содриддин Довидов сингари нурунийлар бу файзиёб кунлар учун шукроналар айтишмоқда.

Байрам ниҳоясида фольклор-этнографик жамоалар ҳамда спортчи ёшларнинг чиқишлари йиғилганларга манзур бўлди.

Талабалар учун байрам янада завқли

Наврўз айёми Тошкент архитектура ва қурилиш институтида кўтаринки руҳда нишонланди.

■ Ю. ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

Институт ҳовлисидаги файзли манзара ўшбу шодиёнага астойдил тайёргарлик қўрилган, жамоанинг Наврўзни соғиниб кутганини англади. Анвойи гуллар, қалдирғочлар тасвири, миллий матолар билан яратилган композиция кўнгилларга байрамона кайфият улашди.

Бир томонда дошқозон тўлиб сумалак қайнамоқда. Атрофида толбаргак таққан қизлар миллий ашулаларга жўр бўлишган. Институт талабаларининг «Ош мусобақаси» авжида. Турли қозонларда миллий таомимизнинг анджонча, бухороча, тошкентча, хоразмча ва бошқа турлари зўр иштиёқ билан тайёрланаётди. Бир томонда ташкил қилинган «Баҳор нафаси» кўргазмасида талабаларнинг ижодий ишлари эътиборга ҳавола этилмоқда.

Институтда таълим олаётган ёшларнинг қалбидида эзгу ниятлар, ойдин максодларининг бекаму кўст рўёбга чиқиши учун институт меҳнат жамоаси улкан ишларни амалга ошираётди. Дарсларни инновацион технологиялар, илгор давлатлар тажрибалари асосида ташкил этиш, талабаларнинг ижодий интилишларини қўллаб-қувватлаш, интеллектуал салоҳиятларини юзага чиқаришда профессор-ўқитувчилар бор маҳоратларини ишга

солмоқдалар.

— Кафедраларимиз ўқитувчилари бўлғуси қурилиш муҳандисларига Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, архитектура фалсафаси, эстетика, мантик, маданиятшунослик каби фанлардан сабоқ беришмоқда, — дейди институтнинг фалсафа кафедраси мудири, профессор Тўлқин Алимардонов. — Айни пайтда хорижий университетлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйганимиз. Бугунги байрам бизни янада руҳлантираётди. Аслини олганда, жонажон Ватанимиздаги тинч ва осуда ҳаётнинг ҳар бир кўни Наврўз, ҳар бир кўни байрамдир.

Куй-қўшиқлар авж пардасига кўтарилади. Бу ерда таҳсил олаётган ҳаваскор ёшлар мумтоз куй, ашулаларни марок билан ижро этишмоқда. «Хоразм лазги»си барчани даврага чорлади. Миллий ўйинлар томошаси эса ундон-да завқли. Арқон тортишгаётган қизлар ҳали у, ҳали бу томонга сурилади, қийқириқлар янграйди. «Қани, бўш келма!» «Торт!» деган хитоблар уларга куч бағишлайди. Ғолиб жамоанинг ҳам, ютқозганларнинг ҳам кўзлари қувончдан масрур, юзларида мамнуният зоҳир. Гўё арқон торта-торта дўстона муносабатлар янада мустаҳкамлангандек. Ҳа, миллий ўйинларнинг ғояси ҳам, завоқу шовқи ҳам самимий, эзгу туйғулarga йўғрилгани билан кадрли.



Саховати бор элнинг саодати улугъдир

Фарғона вилоятида Наврўз айёми ўзгача шукҳ билан қарши олинди.



■ Расул КАМОЛ
«Mahalla»

Вилоят ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилган байрамда ҳар бир маҳалла ва ҳар қайси миллат вакиллари миллий, баҳорий таомлар, пиширилган меҳмонларга тортиқ этишди. Қирғиз, рус, корейс, тожик, татар, ахудий, немис миллий маданият марказлари томонидан тайёрланган куй-қўшиқлар байрам шодиёнасига фойз олиб кирди.

— Тинч, осуда ҳаётнинг қадрига етиш, миллатлараро дўстлик, ҳамжihatлик ришталарини янада мустаҳкамлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир, — дейди Татар миллий маданият

маркази раҳбари Равил Тугъшев. — Кўни кеча Юртбошимизнинг Наврўз айёми муносабати билан бутун Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригини тинглаб, қалбим фахр-ифтихорга тўлди. Мақсадимиз — миллатлараро муносабатни янада мустаҳкамлаш, умумий ўйимиз — Ўзбекистон равнақи-га муносиб ҳисса қўшишдир.

Байрам тантаналари Фарғона, Сўх, Риштон туманларида ҳам кўтаринки кайфиятда нишонланди. Ўшбу айём тадбирлари ёши улугъ кексаларни йўқлаш, ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларга ёрдам бериш анъаналарига уланиб кетди. Шу кўни вилоят ҳокимлиги ҳамда Фонднинг вилоят бўлими ташаббуси билан 250 нафардан зиёд кам таъминланган оила аъзосига қимматбаҳо совғалар ҳадя қилинди.

СПОРТ ИНШООТЛАРИ

Ютуқлар салмоғи янада ортади

Наманганда футболсеварлар жуда кўп. Айниқса, «Навбахор» стадиони ҳар бир учрашувда мухлислар билан тўлиб-тошади. Кейинги йилларда мазкур стадион таъмирталаб бўлиб қолгани боис, айни вақтда янада қуришмоқда. Стадион атрофида жойлашган «Тўқувчи» ҳамда «Навбахор» маҳаллалари аҳли бу эзгу ишдан четда тургани йўқ.

■ Фарҳод ҚОДИРОВ
«Mahalla»

— Бунёдкорлик ишлари жадаллашгани сайин биз ҳам стадионга мос тарзда ободонлаштириш юмушларини изчил олиб бораёلمиз, — дейди «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турғунўлат Валиев. — Шу кунларда маҳалламизнинг ички кўчаларини асфальтлаш, стадионга туташ ҳудудни кўкаламзорлаштириш, кўп қаватли уйларнинг ташқи фасадларини бўяшга астойдил киришганимиз. Боиси бу йил вилоятимиз мезбонлик қиладиган «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари айнан «Навбахор» стадионидида ўтказилиши режа-

лаштирилган. Бу катта тадбир муносиб тайёргарликни тақозо этади.

Вилоятнинг марказий футбол стадиони айнан маҳалламизга ёндаш бўлгани учун ҳам бу ердаги бунёдкорлик ишларига камарбастамиз. Иигирма икки минг томошабинга мўлжалланган мажмуа янгича кўриниш, салобат касб этмоқда. Нафақат ишқибозлар учун, балки спортчилару оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ҳам қўлай шароитлар яратилмоқда. Замонавий тўртта ёритиш минораси, видеотабло, доимо ям-яшил майдон, энг сўнгги меъморий андозалардаги маъмурий бино, хуллас, ҳаммаси фахрлинига арзигулик. Бу ўзгаришлардан маҳалламиз ёшлари ҳам хур-



■ Ўзгача сурат

санд. Чунки стадион ёнгинамизда бўлгандан кейин футболга қизиқувчи ёшлар ҳам кўпаяди. Маҳалламизнинг икки нафар ўсмири «Навбахор»нинг ўринбосарлар таркибидида тўп сурмоқда. Уларга ҳавас қилиб, изидан бораётган ёшлар ҳам талайгина.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айни кунларда вилоятда «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларига тайёргарлик қизгин. Дастурга қиртилган мусобақалар асосан «Паҳлавон», «Баркамол авлод» спорт

мажмуаларида, Наманган давлат университети, Мухандислик-технология институти ҳамда Олимпия заҳиралари спорт коллежи залларида ва бошқа бир қатор янги қурилган замонавий иншоотларда ўтади. Уларни нуфузли беллашуларга мос тарзда жиҳозлаш, барча шарт-шароитларни яратиш эътиборимизда.

Спорт иншоотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўғил-қизларни спортга кенг жойлаштиришда вилоят маданият ва спорт ишлари, халқ таълими бошқарма-

лари, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. 2013 йилда жойларда ўтказилган турли мусобақаларда 93 минг нафар ўқувчи, шу жумладан, 38 минг нафар қиз фаол қатнашди. Ўз навбатида, наманганлик ёшлар «Баркамол авлод» мусобақаларига ҳам пухта тайёрланишмоқда.

Соғлом авлод камолотида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни алоҳида. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда бу масалага устувор вазифа сифатида қаралаётди. Биргина Наманган вилоятининг ўзида 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 143,5 минг нафар ўқувчи спорт билан мунтазам шуғулланаётгани, уларнинг 59 минг нафардан зиёди қизлар экани ҳам фикримиз далилидир. Вилоят спортчилари эришадиган натижалар ҳам қувонарли. «Баркамол авлод — 2014» беллашуларида бу салмоқ янада ортиши кутилмоқда.



Самолёт муваффақиятли қўндирилди

Малайзия пойтахти Куала Лумпурдан Теренгтану шахрига парвоз қилаётган самолёт моторларида бирда содир бўлган ёнғин йўловчиларни саросимага солган.



Шу боис экипаж аъзолари ҳаво кемасини ортга қайтаришга мажбур бўлди, дея хабар беради «Associated Press» ахборот

агентлиги.

Маҳаллий авиайўналиш бўйича сафор қилаётган самолёт Субанг аэропортига муваффақиятли қўндирилган. Аэропорт маъмуриятининг моълум қилишича, носозликдан ҳеч ким жабрланмаган.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 8 март кўни Куала Лумпурдан Пекинга йўл олган «Boeing-737» самолёти Жанубий Хитой денгизидида исзис йўқолган эди.

Уммондаги орол катталашмоқда

2013 йилнинг ноябрь ойида Тинч океани тубида ҳаракатга келган вулқон туфайли уммоннинг Японияга туташ ҳудудидида оролча вулқонга келган эди.



«Agence France-Presse»га кўра, ушбу оролча ўтган 4 ой мобайнида 70 баробар катталашган. Мутахассислар сувдаги ушбу вулқон қуруқликдаги турдошларига нисбатан жуда фаол эканини айтишмоқда.

Лизингга 60 та самолёт

Жанубий Корея АҚШдан 60 дона F-16 «Fighting Falcon» ҳарбий самолётларни лизинг асосида харид қилади, дея хабар беради «Defense Aerospace» агентлиги Сеул расмийлари баёнотида таяниб.



Бунинг натижасида ушбу давлат ўзининг ҳарбий ҳаво кучлари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаб олади. Айни

■ Интернет материаллари асосида
Диллора ШАРОФИДДИНОВА тайёрлади.



Муассис: Ўзбекистон
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
республика бошқаруви

Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий,
маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда
0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:

Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

Нашр кўрсаткичи: 148

25680 нусхадда чоп этилди. Буюртма J-9532



ISSN 2030-7033

Газета тахририят компьютер марказида
саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: И.Раҳматов
Нашр навбатчиси: Ш.Жабборов

Топшириш вақти — 21.⁰⁰

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Топширилди — 21.⁰⁰



2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

ЎҚУВ-СЕМИНАР

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛанаДИ

Қувноқ ва шод янграйди бахтли болалар кулгуси

< [1] — Масканимизда 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни ўз ичига олган 12 та гуруҳ мавжуд, — дейди мазкур муассаса раҳбари Зиёда Сулаймонова. — Уларга олий тоифали, маҳалли тарбиячи-педагоглар бериштирилган. Шунингдек, муассасамизда тарбияланувчиларнинг, аввало, саломатлигини мустаҳкамлашга доир машғулотларни олиб бориш, ўз вақтида овқатлантириш, турли хил ўйинлар воситасида уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ҳамда мазмунли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш талаб даражасида ташкил қилинган.

Болалар саломатлигини сақлаш, уларнинг организмда кузатилиши мумкин бўлган ўзгаришларни назорат қилиб бориш тарбиячи-мутахассисларнинг вазифаларидан. Бу борада тумандаги 16-оилавий поликлиника шифокорлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Кичиктайлар йилда бир марта тўла тиббий кўрикдан ўтказилади. Қолаверса, ҳар бир тарбияланувчи ёшига қараб турли хил юкумли касалликларга қарши белгиланган муддатда эмланади.

Бундан ташқари, кичиктайларни спортга қизиқтириш, ақлий ва жисмоний жиҳатдан чиқариш мақсадида шахмат, шошқа, гимнастика тўғрисидаги қарори нафақат олий ва ўрта таълим муассасаларида, балки мактабгача таълим муассасаларида таҳсил оловётган болалар учун ҳам катта имкониятлар эшигини очди. Бугун «Бахтиёр маконда» тарбияланаётганлар ўзбек, рус тилларидан ташқари, инглиз тилидан ҳам мунтазам сабоқ олмоқдалар.



ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

Машғулотлар давом этмоқда

Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг билим, кўникма ва маҳоратларини ошириш мақсадида ташкил этилган ўқув-курсларнинг ilk битирувчиларига сертификатлар топширилди.

■ **Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ «Mahalla»**

— Машғулотларда тингловчиларга соҳага доир қонунлар, ҳуқуқий-меъриий ҳужжатлар ҳақида атрофлича тушунчалар берилди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ўқув-курслари раҳбари Тажибой

Романов. — Битирувчилар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ижтимоий шериклик масалалари, асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ишини намунали ташкил этиш, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада кучайтириш каби долзарб масалалардан кенгрок хабардор бўлдилар.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мустаҳкам ҳуқуқий асос ва ишончли ҳимоя

Мамлакатимизда инсон манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилган ва кучли ҳуқуқий ҳимояга эга. Давлатимиз раҳбарининг бундай оқилона сиёсати натижасида фуқароларнинг Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди ҳамда ушбу ҳуқуқлар ҳеч бир монеликсиз таъминланаётди.

■ **Х. ДАВРОНОВ, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи.**

Бундай ютуқлар табиийки, истиқлолимиз самарасидир. Мустақилликка эришганимиздан сўнг умуминсоний қадриятлар демократик жамият қуриш йўлидаги борча ислохотларнинг устувор йўналишига айланди. Асосий Қонунимизда «Давлат фуқароларининг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди», деган қоида мустаҳкамлаб қўйилди.

Мазкур моддада конституциявий принципларнинг асосий ўзати ўз ифодасини топан, инсон манфаатларига ҳизмат қилиш, эркинлик қофолати, давлатнинг ижтимоий мақсади ва аслғояси илгари сўрилган.

Конституцияда инсоннинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириши учун иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий қофолатлар мустаҳкамланди. Бош Қонуимизнинг 43-, 44-, 45-, 46-моддалари айнан шундай қофолатларга бағишланган. Юртимизда аҳолининг энг муҳтож қатламлари, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар манфаатлари қўшимча тарзда махсус ҳимояга олинган ҳам

давлатимизнинг демократик тамайларида содиқлиги исботидир.

Аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқчилигини таъминлашнинг ҳуқуқий қофолатларидан ташқари, кенг миқёсда қўшимча тадбирлар ҳам амалга оширилаётгани, турли дастур ва лойиҳаларнинг жорий этилгани, хотин-қизларни камситишнинг турли шаклларига борҳам берилаётгани, уларнинг салоҳияти ва имкониятларини тўла юзага чиқаришга шарт-шароитлар яратилгани ҳам аслида давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсати самарасидир.

Шу ўринда инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича жорий этилган суд орқали ва суддан ташқари ҳимояланиш, малакали юридик ҳизмат ва адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи ва имкониятларини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Зотан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тош-

кент шаҳар ва вилоятлар адлия бошқармалари ҳузуридаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури» ижроси юзасидан Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан қўллаб ишлар бажарилаётди. Бошқарманинг малакали ёш ходимлари «Ёшлар ва қонун» ҳамда бошқа бир қатор ҳуқуқий тарбиялот лойиҳаларини вилоятдаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, умумтаълим мактабларида давра сўхбатлари, ўқув-курслар ўтказилаётди. Жойларда одам савдосидан жабрланган фуқароларга ҳуқуқий маспахатлар ва кўмак берилаётди.

Шундай тадбирлардан бири Самарқанд вилояти адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан Ўргут тумани Бахрини маиший хизмат ва сервис касб-ҳунар коллежидан бўлиб ўтди. Тадбирда туман ФХДБ бўлими, имом-хатиблар ва маҳалла раисларини иштирок этиб, тарбиялот таъсирчанлигига ҳисса қўшишди. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга е-

тмишланган иш режасида бугунги куннинг долзарб масалалари ўрин олган. Жумладан, айни пайтда бутун дунёни ташвишга солаётган одам савдосига қарши курашиш, унинг оқибатларидан фуқароларни оғох этиш, таъсирчан тарбиялот орқали кишиларни одамфуршлар тузонидан асраш бўйича олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари, умумтаълим мактабларида давра сўхбатлари, ўқув-курслар ўтказилаётди. Жойларда одам савдосидан жабрланган фуқароларга ҳуқуқий маспахатлар ва кўмак берилаётди.

Шундай тадбирлардан бири Самарқанд вилояти адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан Ўргут тумани Бахрини маиший хизмат ва сервис касб-хунар коллежидан бўлиб ўтди. Тадбирда туман ФХДБ бўлими, имом-хатиблар ва маҳалла раисларини иштирок этиб, тарбиялот таъсирчанлигига ҳисса қўшишди. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга е-

тмишланган иш режасида бугунги куннинг долзарб масалалари ўрин олган. Жумладан, айни пайтда бутун дунёни ташвишга солаётган одам савдосига қарши курашиш, унинг оқибатларидан фуқароларни оғох этиш, таъсирчан тарбиялот орқали кишиларни одамфуршлар тузонидан асраш бўйича олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари, умумтаълим мактабларида давра сўхбатлари, ўқув-курслар ўтказилаётди. Жойларда одам савдосидан жабрланган фуқароларга ҳуқуқий маспахатлар ва кўмак берилаётди.

Шундай тадбирлардан бири Самарқанд вилояти адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан Ўргут тумани Бахрини маиший хизмат ва сервис касб-хунар коллежидан бўлиб ўтди. Тадбирда туман ФХДБ бўлими, имом-хатиблар ва маҳалла раисларини иштирок этиб, тарбиялот таъсирчанлигига ҳисса қўшишди. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга е-

тмишланган иш режасида бугунги куннинг долзарб масалалари ўрин олган. Жумладан, айни пайтда бутун дунёни ташвишга солаётган одам савдосига қарши курашиш, унинг оқибатларидан фуқароларни оғох этиш, таъсирчан тарбиялот орқали кишиларни одамфуршлар тузонидан асраш бўйича олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари, умумтаълим мактабларида давра сўхбатлари, ўқув-курслар ўтказилаётди. Жойларда одам савдосидан жабрланган фуқароларга ҳуқуқий маспахатлар ва кўмак берилаётди.

Шундай тадбирлардан бири Самарқанд вилояти адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан Ўргут тумани Бахрини маиший хизмат ва сервис касб-хунар коллежидан бўлиб ўтди. Тадбирда туман ФХДБ бўлими, имом-хатиблар ва маҳалла раисларини иштирок этиб, тарбиялот таъсирчанлигига ҳисса қўшишди. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга е-



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

— Ўқув-семинарларида фуқаролар йиғинлари фаолиятининг борча соҳалари, йўналишлари билан боғлиқ мазкур қамраб олинган эътиборга молик, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси Қожабой Эммураев. — Интерфаол усулда ўтказилган машғулотларда Фонднинг бўлими ва бўлиммалари ходимлари қатнашди. Улар семинарнинг дастлабки кунинда Юртбошимиз томонидан илгари сўрилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, «Оқсак маънавият — енгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асарлари, Бош Қонуимиз қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ҳамда Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақуналари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузалари мазмун-моҳияти, уларда белгиланган устувор вазифалар, эзгу юза ва ташаббусларни фуқаролар йиғинлари фаоллари томонидан маҳалла аҳолиси ўртасида кенг тарғиб қилишни самарали ташкил этиш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Бу эса Фонд ходимларининг фуқаролар йиғинларига услубий ва амалий кўмаклашиш ҳамда ҳудудда олиб борилиши лозим бўлган тарғибот ишларининг таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қилади.

Андижонд вилоятда ўтказилган семинарда Фонд бўлими ва бўлиммаларининг 75 нафар ходими иштирок этди. — Машғулотларда Фонд бўлими ва бўлиммаларининг низомида белгиланган вазифалар ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлди, — дейди Фонднинг Аска тумани бўлиммаси ра-

иси Муҳаммадхон Қурбонова. — Бу низомида белгиланган қоида ва талаблар асосида ишни ташкил этиш, илгари сўрилган вазифалар ижросини таъминлашга ҳар биримиз масъулмиз.

Машғулотларнинг кейинги босқичларида янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (қосқоқли) ва унинг маспахатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар, соҳага оид бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар моҳияти ҳамда уларнинг ижросини таъминлашда Фонд мутасаддилари зиммасидаги вазифалар айтиб ўтилди.

— Айни пайтда Сирдарё вилоятда 352 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда. Шундан 77 таси қишлоқ ва шаҳарча, 275 таси маҳалла фуқаролар йиғинлари, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими масъул хотиби Алишер Икматов. — Уларга кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва маънавий кўллаб-қувватлаш, ёшларнинг бандлигини, жазони ижро этиш жойларидан озод этилган шахсларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш, ёш оилаларни кўллаб-қувватлаш каби хайрли ишларда Фонднинг туман(шаҳар) бўлиммалари яқиндан ёрдам берапти. Ўтказилган семинар эса бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариши шубҳасиз.

Семинар қатнашчилари фуқаролар йиғинлари томонидан ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамларни тайинлаш тартиб-қоидаларига риоя этишда услубий кўмаклашиш бўйича амалиётда учраётган муаммолар, уларнинг ечим ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлдилар.

Таъкидлаш жоизки, машғулотларда ҳамкор ташкилотларнинг малакали ходимлари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, фуқаролик жамияти институтлари ходимлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш, ма-

ҳалла нуфузини янада ошириш бўйича фикр-мулоҳазалари, маърузалари билан фаол қатнашмоқдалар.

— Фуқаролар йиғинларининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ишини тизимли ташкил этиш долзарб вазифалардан, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент вилоят ҳудудий бўлиммаси бош мутахассиси Мастура Шокирова. — Шу боис ўқув машғулотлари давомида йиғин комиссиялари ишини такомиллаштириш, фаолиятини самарали ташкил этиш борасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартиблар ҳақида 75 нафар Фонд ходимига атрофлича тушунчалар берялмиз. Шунингдек, маҳаллони ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, аҳоли томонидан томорқа ерларидан унумли фойдаланишни ташкил этишга қаратилган масалалар ҳам кун тартибидан ўрин олган.

Фаргона давлат университети ахборот-ресурс марказида ташкил этилган машғулотларга етмиш нафардан зиёд Фонд ходими жалб этилди.

— Ўқув-семинарлари дорасида ўзини кизиктирган саволларга жавоблар олдиқ, амалий ишларимизни назарий билимлар билан мустаҳкамладиқ, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Ўзбекистон тумани бўлиммаси раиси Бахтиёр Юнусов. — Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманлар, шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар фаолиятини самарали ташкил этишда Фонднинг қўйи тузилмалари олдидан турган вазифалар ҳақида тушунчага эга бўлдиқ.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашда фуқаролар йиғинларининг давлат бошқаруви органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шерикчилик муносабатлари аҳамияти ҳақида нафақат маърузачилар, шунингдек, тингловчилар ҳам фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлагани семинарнинг баҳс-мунозарога бой тарзда ўтишини таъминлади.

Ўқувларда тизим ходимларига «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Фуқаролар муносабатлари тўғрисида», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, уларда белгиланган қоидалардан Фонд ходимларини хабардор қилиш кўзда тутилган. Шунингдек, уларга фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги комиссиялар, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги, «Ота-оналар университети» фаолиятини ривожлантириш бўйича ҳам маспахатлар берилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу тадбир фуқаролар йиғинларига услубий ва амалий жиҳатдан кўмаклашиш борасида Фонд ходимларининг малака ва маҳоратини янада оширишга хизмат қилди.

Ўқув-семинарлари Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

■ **Муҳбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.**

Ҳар бир ниҳол эзгу мақсад билан экилган

Ердан қор кетиб, баҳор юмушлари бошланди, шаҳару қишлоқларда, маҳаллаларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлариға киришилди. Юртимизда шакланган азалий анъаналарға кўра, барча ҳудудларда ҳашарлар уюштирилиб, каттаю кичик яхши ният билан кўча-кўйларға, боғу хибобларға, ариқ бўйларига, очиқ майдонларға гул, мевали ва манзара-ли дарахт кўчатлари эжмоқда.



■ **Аҳмад ХҲҲА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойларида бу ишлар, айниқса, қизинг тус олаётди. Юртдошларимиз қалбидаги ҳамжиҳатлик, дўстлик, аҳил-иноқлик туйғулари янада жўш урмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ерга қўчат қадаган билангина иш битмайди. Ниҳолларни ўз вақтида суғориш, ўғитлаш, бўтаб, шакл бериш, тагини юмшатиш, оқлаш, бир сўз билан айтганда, ҳар бирига меҳр қўратиш зарур.

Бу йили Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида март ва апрель ойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойларида кўчатларни оқлаш, бир сўз билан айтганда, ҳар бирига меҳр қўратиш зарур.

Мирзо Улуғбек тумани Мирзақалон Исмоилий номдаги маҳалла ҳудудига экилган манзарали қўчатларни кўрган кўз қувонади.

Миробод тумани «Истиклол» ва Фуркат номдаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудига уюштирилган ҳашорларда 5 гектардан ор-

тиқ майдон ободонлаштирилиб, 2 километрга яқин ариқлар тозаланди. Маҳаллалар ҳудудидиға чикиндилар ташиб кетилди. Дарахтларға шакл берилиб, оқланди. Бугун ҳам мазкур тумanning «Толариқ», «Салор», «Янги Кўйлик», «Олмазор», «Парвона» маҳаллаларида ҳам кенг кўламли ободонлаштириш ва қўчат экиш ишлари қизин давом этмоқда.

Айниқса, ҳар бир қўчатнинг ер-иклим шароити, маҳалла кўрқу тароватиға мослиги, қолаверса, бино ва иншоотларға мутаносиблиги назарда тутилиб экилаётгани туғойли ҳудудлар янада обод ва кўркам бўлмоқда. Ниҳолларни танлашда уларнинг инсон саломатлигига фойдаси ҳам ҳисобга олинаётди. Шу мақсадда қўпроқ япон сафораси, каштан, орча ниҳоллари экилаётгани айни мудоао.

Ҳар бир ниҳолға меҳр ва эътибор, ғамхўрлик зарур. Жойларда ўтган йили яхши ният билан ерга қадалган 130 миллион туғга яқин қўчат ва қаламчонинг 80 фозидан ортиғи беҳато кўкариб, яшнаб тургани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Умумиҳол ҳашарлари пайтида экилаётган қўчатлар шаҳар ва қишлоқларимиздаги яшил ҳудудларни янада кенгайтириш, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш имконини яратмоқда. Шубҳасиз, бугун эзгу ният билан ниҳоллар ўрқазил, уларни чин дилдан парваришлаш орқали келажақда аҳоли дастурхонини сархил яшовалар билан тўлдириш, она-дидеримизнинг янада обод ва файзли бўлиши учун мустаҳкам замин яратилади.

Тадбири борга кўмак — янги иш ўрни демак



Мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган савб-ҳаракатлар ўз самарасини бермокда. Бунда Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни соҳадаги шарт-шароит ҳамда имкониятлардан янада унумли фойдаланишда муҳим ҳуқуқий асос бўлаёттир. Зеро, қонун кучга киргач, тадбиркорлик йўлини тутган, айниқска, оилавий корхона очиш ниятидаги юртдошларимиз сафи янада кенгайди.

МУЛҚДОР ОИЛА

Меҳнатнинг роҳати ҳузурли

Дехқончилик маҳсулотлари билан маҳалласи, хонадони дастурхонига барака киритаётган кишилар юртимизда жуда кўп.

■ Ш. ЖАББОРОВ «Mahalla»

Шундай миришкорлардан бири Чортоқ тумани Бойистон қишлоқ фуқаролар йиғинида истикомат қилаётган фермер Исролжон Қодировдир. У маҳалласидан олисроқдаги янги ўзлаштирилган ерда дехқончилик

қилади. Ёзнинг чилласио қохратон киш совуғига қарамай ташландик, суви йўқ, тошлоқ жойни каттагина боғга айлантирди. Аввал қийинчиликларни бошидан кечирган бор-бугун меҳнатининг ҳузурини кўрмокда.

— Исролжон меҳнаткаш йигит, — дейди Бойистон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Исмоил Раҳматуллаев. — Ишлари кўп

бўлса ҳам элнинг тўю маъракаларида бош-қош. Қолаверса, маҳаллада ўтадиган маънавий-маърифий тадбирларда у ҳозир нозир, йиғиндаги тадбирларимизга ишчиларини ҳам олиб келади. Оилавий тадбиркорлиқни жадаллаштириб, аҳоли ўртасида кенг ёйишга қаратилган «Мулқдор оила» лойиҳаси бўйича маҳаллага мурожаат қилганларга ҳам доим мана шу оилани намуна сифатида кўрсатамиз.

— Мен боғга айлантирган бу ерларни илгари «занг» дейишарди, — дейди Исролжон Қодиров камтарлик билан. — Ерни занг ва тошлардан тозалаб, турли мева-ли кўчатлар экиб, оби-тобига келтирдик. Нимгаки эришган бўлсам оиланинг модади ва одамларнинг ишончи омил бўлган. Мана, бугунга келиб маҳалладошларимнинг кўпчилигини иш билан таъминлашга уриналман.

И.Қодировдан ўрнак олган асқарият фермерлар баҳор хавосини ғанимат билиб, айни кунларда ерга ишлов беришга қизғин киришганлар.

Qishloq Qurilish Bank

Тошкент вилояти минтақавий филиали

Барча юртдошларимизни яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўз билан чин дилдан табриклайди. Сизларга мустаҳкам соғлиқ ҳамда оилавий бахт тилаган ҳолда қуйидаги янги жозибадор омонат турларини тақлиф этади:

Миллий валютада:

«НАВРЎЗИНГ МУБОРАҚ» — муддати 12 ой

«БАҲОР ИФОРИ» — муддати 24 ой

«СОҒЛОМ ФАРЗАНД КАМОЛИ» — муддати 2 ой

«ЗИЁ» — муддати 1-3 ой

«МАФРУР ЮРТ ФАРЗАНДИ» — муддати 4 ой

Бундан ташқари, аҳолининг уй-жой ва бошқа шахсий мулкларидан фойдаланиш жараёнида улар бўйича туланадиган коммунал тўловларини тўлашда қулайлик яратиш мақсадида қуйидаги янги махсус юқори фоидали омонат турлари жорий қилинган:

«ҚУЛАЙ ТЎЛОВ» — муддати 6 ой

«ТЕЖАМКОР» — 1 йил муддатга

«КОММУНАЛ» — муддати 24 ой

Ушбу омонат турларига банкнинг қуйидаги филиалларида маблағ қабул қилинади.

- Тошкент вилоят минтақавий филиали (371) 150-79-19
- Оҳангарон филиали (371) 150-45-14
- Бекобод филиали (371) 150-79-47
- Янгийўл филиали (371) 150-79-73
- Ғазалкент филиали (371) 150-79-57

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидagi омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ - 4057 - сонли Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК — ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗ ХИЗМАТИДА!

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.



БУГУННИНГ ГАПИ

«Ўргимчак тўр» хатари

< [1]

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАГИ «САРГУЗАШТЛАР»

Ижтимоий тармоқлар катта имкониятларни тўғдираётгани билан кўпчилик эътиборида. Жумладан, улар «бозор» вазифасини бекаму кўст бажараёттир. Аммо бундай виртуал «гипермаркет»ларнинг маҳсулотлари бозорлардагидан фарқ қилади. Ўрни улар турли-туман ахборотлар йиғиндисидан иборатдир. Бундай ахборотлар оламини қузатиб ҳам ажаблаласиз, ҳам афсусланасиз: сохталиқ, қаллоблиқ, ёлғон севги, хиёнат, нафрат, тубонлиқ, чойқовчилик, ташвиқот, таҳқирлаш, камситиш...

Жаҳондаги миллионлаб кишиларни аллақачон ўз асирига айлантиришга улгурган тармоқлардан бири — «Odnoklassniki.ru». Юртдошларимиз орасида мана шу тармоқнинг «шинавонда»лари талайгина. Маъзкур ижтимоий тармоқда мактаб ўқувчиларидан тортиб, катта ёшлиларнинг ҳам профили бор. Уларнинг ғайриоддий номларига эътибор беринг: «Сенга муҳтожман», «Я просто Хулиган», «Юрагингни яғонасиман», «Исминни қалбинга ёз», «Отасининг эркаси», «Севги йўлида Мажнунингман» ва ҳоказо. Айримлари уни ҳатто қўйишга ҳам уяллади киши. Эҳтимол, исм ва фамилия ёзилиши керак бўлган профилини бундай баътаин номлар билан аташдан мақсад эътиборни тартиш, кўпроқ «дўст» орттиришдир. Аммо муқаддас тушунчалар тўғрисидаги ёшларнинг ўзаро мулоқотларидаги савб фикрлардан ташвишга тушмасликнинг иложи йўқ. Имло қоидалари эса гўё виртуал дунёга бегонадек. Шахсий профилларга қўйилган суратлардан беҳаёлик, андишасизлик, зўравонлиқнинг акс этиб тургани биз тинмасиз дэват қилаётган соғлом турмуш ва бахтли оила тушунчаларига мутлако зид эмасми?!

Инсонларни ҳаётини ташвишлардан, кундалиқ юмушлардан қалғитишда, ҳар қандай қадрият ва инсоний туйғуларга енгил-ели қарашга одатлантиришда ижтимоий тармоқлар ўта таъсирчан қурол вазифасини ўтаётгани бор гап. Улар ёшлар онгига оила қурмаслиқни, инсон қўнғил майлича яшашга ҳақчилигини, оила жамики ташвишу бахтсизликлар[!] асоси эканини тарғиб этмокда. Ёшлар тармоқларда турли янгиликларга «класс», яъни «кашо» дея муносабат билдиришади. Уларни қандай хаборлар ўзига тартаётгани, қойси мавзулар, аниқроғи, ғоялар ром этаётганини қузатиб, ёқонгизни ушлайсиз. Мана бу «янгилик»жа эътибор беринг. Маъшур хорижлик қўшқичнинг икки нафар фарзанди — ўғли ва қизи эндиликда эру хотин. Бир ота-онадон туйилганлар эътд кунда никоҳларини росийлаштирашар экан. Уларнинг «тўй»ларида ҳатто кимлар келиши ҳам маълум. Бу нима, оила қуришининг янгича, таъбир жоиз бўлса, «ўта маданияшган» қўрғинидами? Даҳшатланарлиси, ушбу баҳорнинг ўзи қисқа фурсатда 11 мингта «класс» тўлган. Демак, бу хабар шунча кишига, аниқроғи, ёшларга манзур бўлган кўринади. Инсон шайнига иснод келтирувчи, оиладек муқаддас тушунчани поймол этувчи бундай маълумотларнинг серобилигидан хайратга тушсиз. Ёшларимизни хатарли унсурлардан ҳимоялаш, уларга тўғри ва нотўғри, яхши ва ёмон, оқ ва қорани ажратиб билишни ўргатиш, маънавий иммунитетни кучайтириш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланиб бормокда.

Зотан, жонажон мамлакатимизда оила — жамиятнинг муҳим бўғини, бохт ва саодат ошйёни. Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига таъкидланганидек: «...бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди», дегон пурмоёно ҳикматнинг кадр-қиммати ғоятда баланд.

«ҚАНЧА КЎП ЎЛДИРСАНГ...»

«Ўргимчак тўри» болаларни ҳам чирмаб олишга уринаётти. Мурғак ўғил-қизлар турли «янгилик»лар оғушида. Компьютер клубларидан бирида гувоҳи бўлангим — бир воқеа анча вақтгача ҳаёлимдан кетмади. У ерда, асосан, кичик ёшли мактаб ўқувчилари ўтиришган эди. Қўзлари қоронғу хонадаги компьютерлар мониторларига миҳланган. Жаҳлдан

бўғриққан юзлар, ғазабдан қисилган кўзлар уларнинг виртуал ўйинларга буткул «шўнғигани»дан, атроф-оламни мутлако унутганидан даррак берорди. «Мана сенга!», «Ўлдир уни!», «Чоп, сўй!» деган таҳқиромуз хитоблар янграйди, ҳатто ҳали баолоғат ёшига етмаган боланинг «сўқиниш лугати» бойлигидан энсангиз қотади. Бу нохуш ҳолга изох сўраб, хона бошлиғига мурожаат қилганимда, у белисандлик билан қоронғи бурчакка ишора қилди. Бурчакда «Материтса запрещено!» деган сўзлар ёзилган. Демак, ҳар кунни ахвол шу. Болалар ғазабдан ёнади, энди ғалаба қозонаи деганда маълумиятга учраганидан аламзада яна сўқиноверди.

Тарихдан яхши маълумки, аждодлар фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратганлар. Хусусан, тиб илимининг сўлтони Ибн Сино ўз асарларидан бирида: «Боло ҳулқини маромида соқлашга алоҳида эътибор бериш керак, бунга болани қаттиқ ғазабланиш, қўрқуш, ўқусизликдан соқлаш орқали эришилади. Ғазаб кучни қиздиради, қайғу кучни оздиради, ҳафалиқ беғамликка мойил қилади. Хулқнинг муътадиллиги натижасида ҳам нафс, ҳам бодан соғлом бўлади», дея таъкидлаб ўтган. Аммо биз қузатган манзарада бунинг акси номоён. Инсоният онгу тафаккури билан оламшумул қашфиётлар яратаётган бир замонда фарзандлар олдида ҳам янги-янги хатарлар буй кўрсатаёттир. Бугун болалар соғлиғига ҳавф тўғдируви омиллар сирасига «ўйинпарастлик» («игромания») ҳам қўшилган. Бундай таҳликали жораён тиб алломаси айтганидек, бола ҳулқи муътадиллигини сақлашда қанчалик кўп келаркан?!

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

Мадомики, «оммавий маданият» ҳаётга эндигина кириб келаётган позика қалбларга таъовуз қилаётган экан, унга қорши курашадиган маънавий иммунитетни шакллантирмоқ зарур. Акс ҳолда бу иллат оммавий турмуш тарзи тамойилларини белгилайдиган кучга айланишга даъвогарлик қилиши, фарзандларимиз қалбидан миллий ўзлиқ туйғусини, Ватанга меҳр-муҳаббат хиссини скиби чиқариши мумкин. Шу боис унга қорши мамлакатимизда кенг қамровли чора-тадбирлар олиб бориломқда. Айниқса, азалдан маънавият ўчоғи, қадриятлар маскани бўлган маҳалларда маънавий-маърифий тарғибот ҳар қачонкидан кучайган.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди бу борада фуқаролар йиғинларига услубий, амалий жиҳатдан қўмаклашмокда. Жумладан, жорий йилга мўлжалланган Фонд иш режасидан «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, кўплаб долзарб вазифалар ўрин олган. Маҳаллаларда шу мавзуларда маърузалар ўқилмокда, мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказилимокда. «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини қучайтириш, «Ота-оналар университети» фаолиятини такомиллаштириш, фуқаролар йиғинларининг Маърифат ва маънавият, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялари ишини самарали уюштириш мақсадида аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган 8 минг 537 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ҳамда 8 минг 345 та «Маҳалла посбони» жомаотчилик тўзилмаси аъзолари, йиғиннинг асосий йўналишлар бўйича комиссиялари зиммасидаги вазифалар қўламини кенг, салмоғи катта. Лекин уларнинг ичида энг муҳимроғи ёшлар тарбияси билан боғлиқ вазифадир. Ахир, «Маҳалла ҳам отанг, ҳам онанг», «Маҳалла — тарбия ўчоғи» деб бежизга айтилмаган-ку!?

Шу боис йигит-қизларимизни ҳеч кимдан кам бўлмаган, юксак маънавиятни, чўқур билим ва теран тафаккур соҳиблари қилиб тарбиялаш — бугуннинг талаби. Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида таъкидланганидек, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатта қарши маърифат билан курашиш бу борадаги ишларда муҳим тамойил. Бу мезон маҳаллаларда олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг пировард мақсадига айланмоғи зарур. «Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга дунёни чўқур англайдиган, замон билан боровор қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг «даъвати» ҳам, ахлоқ-оодоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона бўлган ғоялар ҳам уларчи оиласи» спорт ўйинлари мусоба-



қалари уюштирилаёттир. Бу мусобақаларнинг тобора кенг тус олаётгани ҳам жамиятимизда соғлом турмуш тарзининг, илғор фикрлиқнинг собитилигидан далолатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тарихан тарқиб толган миллий ва маънавий қадриятларимиз, аънава урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ҳалқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она-Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳини сингдириш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасида фуқаролар йиғинларида оммавий-сёсий, маънавий-маърифий, маданий ва тарбиявий тадбирларнинг амалга оширилишига қўмаклашиш мақсадида Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия фаолият кўрсатмокда.

Комиссия аъзолари савб-ҳаракати билан ёшларни «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан ҳимоялаш, умумбашарий ва миллий байрамларни аҳоли ўртасида юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича маънавий-маърифий дастурлар ижроси тўла таъминланаёттир. Аҳолини ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этишга йўналтирилган чора-тадбирларни ўтказишда ҳам ушбу комиссиянинг қўмағи кўп келаёттир. Ота-оналарнинг ёш авлодини тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини ошириш мақсадида фуқаролар йиғини ҳузурда ташкил этилган «Ота-оналар университети» фаолиятига қўмаклашмокда.

Шунга қарамай, ёшлар онги ва тафаккурини «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларидан ҳимоялаш борасида ҳали қилинажак ишлар ниҳоятда кўп. Негаки, интернет тармоғидаги бундай қабихлиқлар давомили ва тўхтовсиз равишда урчиб бормокда. Бугун уларнинг бирини кўриб ғазабингиз ортса, иккинчиси энсангизни қотиради. Бундай ҳолат унга қарши курашда бир лаҳза бўлса ҳам ҳушёрликни йўқотмасликни талаб қилади.

Бугун маҳалла раиси, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жомаотчилик тўзилмаси аъзолари, йиғиннинг асосий йўналишлар бўйича комиссиялари зиммасидаги вазифалар қўламини кенг, салмоғи катта. Лекин уларнинг ичида энг муҳимроғи ёшлар тарбияси билан боғлиқ вазифадир. Ахир, «Маҳалла ҳам отанг, ҳам онанг», «Маҳалла — тарбия ўчоғи» деб бежизга айтилмаган-ку!?

Шу боис йигит-қизларимизни ҳеч кимдан кам бўлмаган, юксак маънавиятни, чўқур билим ва теран тафаккур соҳиблари қилиб тарбиялаш — бугуннинг талаби. Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида таъкидланганидек, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатта қарши маърифат билан курашиш бу борадаги ишларда муҳим тамойил. Бу мезон маҳаллаларда олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг пировард мақсадига айланмоғи зарур. «Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга дунёни чўқур англайдиган, замон билан боровор қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг «даъвати» ҳам, ахлоқ-оодоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона бўлган ғоялар ҳам уларчи оиласи» спорт ўйинлари мусоба-